

"Қамчиқ" довонида автотранспорт воситаларининг хавфсиз ўтиши таъминланди



Автомобиль йўллари кўмитаси тизимидаги "Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан 2020-2021 йилларнинг қишқи-қировли кунларида Тошкент – водий йўналиши бўйича "Қамчиқ" довонидан ўтувчи йўлда автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланмоқда.

Шу мақсадда махсус йўл техникалари шай ҳолатга келтирилиб, қум ва тузларнинг заҳиралари етарлича жамланиб, навбатчи ишчи ходимларга шарт-шароитлар яратилди.





Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати марказининг 2020 йил 16 ноябрь куни тақдим этган ахборот хабарномасидан келиб чиқиб, 2020 йил 18-19 ноябрь кунлари "Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан А-373 "М-39 Гулистон – Бўка – Ангрэн – Қўқон – Андижон орқали – Ўш" автомобиль йўлининг 185-285 (108-208) километрида ишлар ташкил этилиб, йўлсозларимизнинг кунутун давомида саъй-ҳаракатлари ва тинимсиз меҳнати билан йўлларда тозалаш ишлари амалга оширилди.



Шунингдек, юртимизга совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши натижада "Қамчиқ" довонида тинимсиз ёққан қорларни тозалаб, автотранспорт воситаларнинг мунтазам ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида корхона томонидан йўллارни тозалаш ишларига 115 та махсус техника ҳамда 400 дан ортиқ ишчи-ҳодимлар жалб этилди.



Айни дамда, "Қамчиқ" довонидан ўтувчи ҳамюртларимиз ҳамда хорижий автотранспорт воситаларининг икки томонлама мунтазам қатнови тўлиқ таъминланган.

Кўмита матбуот хизмати